

Каримов Бехзод Оқтамбаевич,
Ўзбекистон Банк Молия академияси магистри

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Давлат харидларининг мамлақтимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва тадбиркорларик субъектларини ривожлантиришда давлат харидларидан фойдаланиш йўллари. Мамлақатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар ва уларнинг амалий ижроси ёритилган.

Таянч тушунчалар: давлат харидлари, корпоратив харидлар, тадбиркорлик субъектлари, ахборот портал, кичик бизнес, харидлар бозори.

Кириш

Давлат харидлари географик жойлашуви, ривожланиш даражасидан қатъи назар, ҳар қандай мамлақат иқтисодиётининг катта қисмидир. Мамлақатимизда ўртача давлат харидлари ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этади ва бу харид бозорларида хусусий секторлар учун жуда катта бизнес имкониятлар яратади.

Давлат харидларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, давлат харидлари бозорнинг тузилиши ва фаолиятига шунчаки сотиб олинган товар ва хизматлар миқдоридан ташқари таъсир қилади. Масалан, сотиб олиш сиёсати орқали давлат сектори фирмаларнинг рақобатлашишини рағбатлантиришга таъсир кўрсатади. Қисқа муддатли истиқболда давлат харидлари потенциал етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга таъсир қилиши мумкин; узоқ муддатли истиқболда давлат харидлари инвестициялар, инновациялар ва бозорнинг рақобатбардошлигига таъсир қилиши мумкин. Харидлар бозорларига кириш тўсиқлари минимал даражага тушиб қолган ва рақобат жараёни ўз ролини ўйнаши мумкин бўлган жойда, хусусий сектор ривожланиб, кўпроқ рақобатлашишга ва янгилик қилишга интилади. Дарҳақиқат, бизнес, хусусан, кичик ва ўрта корхоналар давлат шартномалари учун рақобатлашишга адолатли имконият бўлган жойда, ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур туртки бериши ва ҳаттоки бошқа бозорларда талабни қондирадиган инновацион товар ва хизматларни таклиф қилади. Шунинг учун харидлар бозорларидаги рақобат кўп даражаларда муҳим аҳамиятга эга ва иқтисодиётда рақобатга узоқ муддатли таъсирларни шакллантириш учун харид сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Давлат харидлари энг яхши битимга эришишдан ташқари, у турли хил ролларга эга бўлади, шу жумладан иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий мақсадларга эришишни таъминлаши лозим. Шунингдек Ўроқов У. «Бозор, пул ва кредит» журналидаги мақоласида давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда

ва турда, сифатда ҳамда нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатлигини¹ билдирган. Бу вазифаларни амалга ошириш орқали мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Д.Пўлатов ҳам илмий ишларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг устуни эканлиги, ушбу соҳани ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилиши ва қўллаб-қувватланиши, яъни соҳа вакилларида давлат буюртмаларининг берилиши, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсишига ва солиқ солиш базасининг кенгайишига хизмат қилади. Бунинг натижасида эса давлат бюджетининг даромадларини ошишига эришилади. Чунки давлат харидлари давлат бюджети маблағлари билан боғлиқ эканини таъкидлаш жоиз. Давлат манфаатлари билан бирга, иқтисодиётимиз таянчига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини тўла инобатга олиши лозимлиги таъкидлаган².

Давлат хусусий секторлардан жамоат манфаатлари учун товар (иш, хизмат)лар сотиб олади ва хусусий секторларнинг энг катта истемолчиси ҳисоблананди. Давлат харидлари кенг кўламли тадбиркорлар учун муҳим бўлган бозор имкониятларидан бири ҳисобланиб, ҳукумат кучли харид қобилиятига эгадир ва саноатнинг ижтимоий иқтисодий сийсатини давлат харидларига сезгир бўлган саноат соҳасида рақобатдошликни оширади ва минтақавий мутаносибликларни ҳал қилади³ деган фикрларни билдирган Хван ўз маъюласида. Sungki ҳам ўз фикрларида, давлат харидлар ҳажмини кўпайтириш мақсадида жамиятнинг кам таъминланган хусусий секторларни техник ва маъмурий қўллаб қуватлаш ҳукуматнинг давлат харидлари соҳасидаги фаол сиёсати бўлиб, заиф тадбиркорлик субъектларини иқтисодий барқарорлаштириш орқали рақобатдошлик муҳитини оширишга қаратилган⁴ деб таъкидлаб ўтган. Бу орқали давлат харидларини ривожлантириш билан тадбиркорларни заиф қатламини қўллаб қувватлашга эътибор қаратган.

Ариқбаевнинг фикрича давлат буюртмалари тизими тадбиркорлик секторига самарали таъсир қилувчи дастак бўлиб, ушбу тизим орқали давлат эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш, харид ва маҳсулот етказиб бериш амалга оширилади. Давлат буюртмалари мамлакат бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги муҳим омили ҳамда тадбиркорларнинг

¹ Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, Тошкент 2018 йил. 8-сон.

² Д.Пўлатов “Давлат харидларида хусусий секторнинг ҳамкорлиги” // Жамият ва бошқарув // Тошкент 2018 йил. 1-сон, 102-бет.

³ Хван Sun-ja, "Европа иттифоқининг давлат харидлари стратегиясини ва бозорнинг ижтимоий масъулятини кучайтириш " Корея касаба уюшмалари институти – 2011й.

⁴ Sungki Kim, “Ижтимоий заиф компанияларни рағбатлантириш учун очик бозорни яратиш режаси”. Сеул харидлар кўргармаси тақдимоти – 2012й.

фаоллигини ошириш ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

1-жадвал

Давлат ва хусусий секторнинг хусусиятларини таққослаш⁵

	Хусусий сектор	Давлат сектори
Рақобат	Ҳа	Йўқ
Ташкилотлар ҳажми	1-10,000+	1-10,000+
Географик жайлашуви		
- Маҳаллий	Ҳа	Ҳа
- Минтақвий	Ҳа	Ҳа
- Миллий	Ҳа	Ҳа
- Халқаро	Ҳа	Ҳа (Чекланган миқдорда)
Маҳсулот		
- Товарлар	Ҳа	Йўқ
- Хизматлар	Ҳа	Ҳа
Фойда	Ҳа	Йўқ
Очиқлик/шаффофлик	Йўқ (чекланган)	Ҳа
Мижозлар билан алоқалар	Турли хил	Турли хил

Таҳлил ва натижалар

Юқоридаги фикрларни натижаси ўлароқ шуни айтишимиз жоизки давлат харидларини ривожлантириш ва бу орқали тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар очиб бериш ҳар қандай давлатнинг олдидаги мақсадларидан бири бўлмоғи шубҳасиздир. Шу жумладан давлатимизда ҳам бу соҳада кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётгани ҳуқуқий асослардаги изчил ўзгаришларда ҳам намоён бўлмоқда.

Давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан бирга харидларда рақобат муҳитини ривожлантириш, оқилона харидларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб қилиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Давлат харидлари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш баробарида иқтисодиётда ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, мавжуд имконият ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш имконини яратади. Шу мақсадда давлатимиз президенти томонидан “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори бунга яққол далил бўла олади. Қарорга асосан давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини

⁵ Helena Lindskog 2004 How Can Public Procurement Influence Business and Social Development?

таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш⁶ мақсадлари белгилаб олинган.

Президентнинг парламентга қилган мурожаатномасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат харидлари соҳасида, 2021-йилдан:

- 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади;

- барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади;

“Бундан ташқари, 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказилиб, тадбиркорлар қўшимча 1,5 триллион сўмгача айланма маблағларга ега бўлади”⁷, — дейилади мурожаатномада.

Ҳозирда мазкур соҳада харид қилиш тартиб–таомилларида инсон омилини қисқартириш ва ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тизимни такомиллаштириш борасида ислохотлар давом этмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 37 сонли “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб–таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарорида 2021 йилда давлат харидларини такомиллаштириш стратегиялари белгилаб берилди. Ушбу қарорда тизимдаги асосий ўзгаришларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

• тизимни бошқа тизимлар билан интеграциясини амалга ошириш;

• бюджет тизими бюджетлари маблағлари доирасида юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш тартибига мувофиқ ахборотни шакллантириш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш;


• харид қилиш тартиб-таомиллари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида давлат харидлари махсус ахборот порталида ахборот мажбурий тартибда жамоатчиликка ҳавола этилиши;

• давлат назоратини амалга оширувчи давлат органларига ўз функцияларини бажариши учун мазкур тизимдан фойдаланиш имконияти.

Мазкур ўзгаришларни қуйидаги (1-расм) босқичларда амалга ошириш кўзланган.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 5 декабр, ПҚ-4544-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <https://president.uz/uz/lists/view/4057>



1-расм. 2021 йилда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш босқичлари⁸.

Ушбу қарорнинг ижроси тариқасида давлат харидларини савдо платформасида фойдаланувчиларга қулайлик яратиш ва тадбиркорларни тизимдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида бир қатор ижобий ўзгаришлар киритилди.

Эндиликда тизимдан фойдаланиш анчагина қулай ҳолатга келган бўлиб, фойдаланувчиларга қуйидагича афзалликларни тақдим этади:

✚ Биржанинг барча савдо платформаларида иштирок этиш учун ягона рўйхатдан ўтиш етарли;


✚ Ягона клиринг тизими жорий этилиб, барча ҳисобварақлар бирлаштирилди;

✚ Махсус ахборот порталининг дизайни янги ахборот технологияларидан ва охириги тенденциялардан фойдаланган ҳолда миқдорлар фойдаланиши учун қулай ва содда кўринишга эга бўлди;

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2021 йил 26 январь, 37 – сон.

- ✚ Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган товарларнинг ягона классификатори порталга бириктирилди;
- ✚ Аукцион, танлов, тендер, электрон дўкон харид турлари ягона порталга бирлаштирилди;
- ✚ Мобил илова дастури ишлаб чиқилди.

Давлат харидларининг мазкур платформаси 2018 йилда янгича тартибда ишга туширилган бўлиб, тизимдаги тадбиркорлик субъектларининг фаолияти 2-расмдан кўриниб турганидек 2018 йилда жами тадбиркорлик субъектлари сони 339 минг тани ташкил қилиб шундан 30,7 минг таси яни 9 фоизи давлат харидлари тизимида рўйхатдан ўтган бўлса 2019 йилда 419.5 минг тадбиркордан 43,9 минг таси, яни 10% тадбиркорлар тизимда рўйхатдан ўтган бўлиб, 2020 йилда эса республикамиздаги жами 503,5 минг нафар тадбиркорлардан 12 фоизи давлат харидлари ахборот порталида рўйхатдан ўтганини кўришимиз мумкин.



- Республика бўйича жами тадбиркорлик субъектлари сони.
- Давлат харидлари ахборот порталида рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг фоиздаги улуши.

2-расм. 2018-2020-йилларда Давлат харидлари тизимида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумот⁹.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турганидек давлатимизда тадбиркорлик субъектларининг давлат харидлари тизимидаги иштирокини янада кенгайтиришда ҳукуматимиз томонидан чуқур ислоҳотлар олиб борилиши зарурлиги. Ушбу мақсадда кичик ва ўрта корхоналар тадбиркорларнинг катта қисмини ташкил этар экан, ҳукумат томонидан ушбу фирмаларнинг давлат харидлари бозорида иштирок этишларини рағбатлантириш йўллари изламоқ лозимдир. Бу борада жаҳон тажрибасида қуйидагича амалиётларни кузатиш мумкин:

Европа Иттифоқининг давлат харидлари бўйича янги йўриқномалари кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг давлат харидлари бозорларига киришини

⁹ Автор томонидан <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2> сайти ва УзРТХБ АЖ нинг маълумотлари асосида тузилди.

кенгайтиришга қаратилган. Йирик давлат шартномалари кичик партияларга бўлинади ва шу билан кичик ва ўрта корхоналарга йирик савдоларда қатнашиш имкониятини беради. Бундан ташқари, кичик ва ўрта корхоналарга имтиёзлар берилади, уларнинг товар айланмасига бўлган талабини шартнома қийматининг икки бараваригача чеклаш. Бошқа минтакаларда ҳам кичик ва ўрта фирмаларнинг оммавий савдоларга киришини енгиллаштиришга қаратилган имтиёзлар белгиланмоқда. Масалан, Ангола, Кот-д’Ивуар, Доминикан Республикаси, Ҳиндистон ва Марокашда харид ташкилотлари кичик ва ўрта корхоналарга давлат шартномалари умумий қийматининг тахминан 20 фоизини ажратишлари шарт. Ушбу имтиёз Ангола ва Кенияда 25% гача, Тайванда 40% гача қўтарилади.

Баъзи иқтисодиётларда рағбатлантириш бошқача шаклда бўлади: маълум чегаравий қийматдан паст бўлган лойиҳалар кичик ва ўрта корхоналарга мўлжалланган. Ушбу чегара Индонезияда \$ 190,000, Колумбияда \$ 125,000 ва Бразилияда \$ 24,650 га тенг.

Боливия ва Миср Араб Республикаси давлатлари иқтисодиётларида кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш учун танлов гаровининг бир қисмидан ёки тўлиқ миқдоридан озод қилиш киради¹⁰.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса тариқасида шуни айтиш жоизки, яхши ишлайдиган электрон харид порталларининг афзалликларини кенг эътироф этилади. Шаффофликни ошириш билан бир қаторда, улар бозорларга тенг ҳуқуқли киришни таъминлайди ва коррупция учун имконият яратадиган ўзаро муносабатларни камайтиради. Худди шундай, таклифларнинг хавфсизлиги бўйича олдиндан тахмин қилинадиган ва тартибга солинадиган талаблар етказиб берувчиларни бефарқ таклифларни тақдим этишдан қайтаради. Тўловларни ўз вақтида тўлаш етказиб берувчиларни, хусусан одатда катта пул оқимига эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналарни харидлар бозорида иштирок этишга ундайди.

Хусусий етказиб берувчиларни давлат бозорига киришига тўсиқларни аниқлаш орқали ҳукумат томонидан янада очиқ, рақобатбардош ва самарали давлат харидлари тизимини ривожлантириш учун ислоҳатлар олиб борилиши зарур. Натижада, хусусий етказиб берувчилар, хусусан, кичик ва ўрта корхоналар учун уларга оммавий бозорга киришга кенг имкониятлар яратилган бўлар эди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига

¹⁰ Doing Business 2017 Annex: Selling to the Government Why public procurement matters

тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 5 декабр, ПҚ-4544-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2021 йил 26 январ, 37 – сон.

4. Ўроқов У. Давлат харидлари тизими: кеча ва бугун. «Бозор, пул ва кредит» журнали, Тошкент 2018 йил. 8-сон.

5. Д.Пўлатов, “Давлат харидларида хусусий секторнинг ҳамкорлиги” // Жамият ва бошқарув // Тошкент 2018 йил. 1-сон, 102-бет.

6. Xvan Sun-ja, "Европа иттифоқининг давлат харидлари стратегиясини ва бозорнинг ижтимоий масъулятини кучайтириш " Корея қасаба уюшмалари институти – 2011й.

7. Sungki Kim, “Ижтимоий заиф компанияларни рағбатлантириш учун очиқ бозорни яратиш режаси”. Сеул харидлар кўргармаси тақдироти – 2012й.

8. Helena Lindskog 2004 How Can Public Procurement Influence Business and Social Development?

9. Doing Business 2017 Annex: Selling to the Government Why public procurement matters

10. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2>